

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ЯИДХПда янги хизмат тури

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)да манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш бўйича янги хизмат ишга туширилди. Мазкур давлат хизмати жисмоний шахсларга фуқароларнинг мамлакат ҳудудида яшаши учун рўйхатга қўйиш ва чиқаришни тасдиқловчи маълумотномани олиш бўйича электрон ариза бериш имкониятини тақдим этади.



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра, янги хизматни тақдим этишда Ягона идентификация тизими (id.gov.uz) орқали амалга ошириладиган ЯИДХПдаги жисмоний шахснинг шахсий кабинетига кириши зарур. «Хизматлар» бўлимида ёки «Маълумотлар» категорияси бўйича хизматларни саралаш орқали

фойдаланувчи ваколатли органга электрон ариза юбориши мумкин.

Бунда фойдаланувчи ЯИДХП орқали фақат ўзининг шахсий манзил-маълумот ахборотларига сўров юбориши ва уни қабул қилиши мумкинлигини ҳисобга олиш жоиз. Бу эса аризанинг электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши заруриятини таъминлайди. Барча амалиётлар амалга оширилгандан сўнг 3 кун мобайнида ўрнатилган тартибда фуқаро рўйхатдан ўтганлиги ва чиқарилганлигини тасдиқловчи манзил-маълумот ахборотларини олиш бўйича юборилган сўровга маълумотнома кўринишидаги жавоб юборилади.

ЎЗА материали асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Турфирмалар янги имтиёз олди

Туристларни ташиш учун мўлжалланган, сизими 9 кишидан ортиқ бўлган янги транспортдан Республика йўл жамғармасига 2022 йил 1 январгача йигим ундирилмайди. Бу Президентнинг 24.05.2018 йилдаги ПФ-5447-сон Фармонида назарда тутилган.

Илгари имтиёз қуйидаги тарзда берилар эди: йигим ставкаси транспорт воситалари сотиб олиш қийматининг 3%и миқдорида этиб белгиланган эди (2.12.2016 йилдаги ПФ-4861-сон Фармон). Бу ўша пайт амал қилган умумий ставкага мос келар, бироқ у оширилган тақдирда туризм корхоналари устунликка эга бўлардилар (3% тўлашда давом этган бўлар эдилар — тахр.).

Янги тартибга биноан туризм фаолияти субъектлари ўзлари сотиб олган, мамлакатимизга олиб кирилаётган, туристларни ташиш учун мўлжалланган, сизими 9 кишидан ортиқ



2-бетда

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш масалалари

Мулк ҳуқуқи — ҳар бир шахснинг ажралмас ҳуқуқларидан бири. У ҳар кимнинг мол-мулкка, ашёларга ва бошқа объектларга эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиши билан ифодаланади (ФКнинг 164-моддаси). Ушбу объектлар орасида ўз мақоми сабабли давлат томонидан алоҳида муҳофаза қилинадиган, унга бўлган ҳуқуқ ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида (кадастр органида) давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулк мавжуд (ФКнинг 84-моддаси). Бу кўчмас мулк. Ушбу шарҳда қонун чиқарувчиларнинг эътиборини кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва амалиётда юзага келадиган муаммоларга қаратмоқчимиз.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг рўйхатдан ўтказилиши Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом (ВМнинг 7.01.2014 йилдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган) билан тартибга солинади.

Мулк эгаси бўлган ёхуд бинолар (иншоотлар)га ашёвий ҳуқуқларга эга бўлган барча юридик ва жисмоний шахслар уларга тегишли бўлган бино (иншоот)ларга бўлган ҳуқуқлар дав-

лат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлишлари шарт. Кўрсатилган шахслар ёки улар томонидан ваколат берилган шахслар мулк ҳуқуқи (ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар) пайдо бўлгандан кейин бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртмаларга беришлари шарт

(Низомнинг 7, 8-бандлари, ВМнинг 2.06.1997 йилдаги 278-сон қарорига 1-илова).

Рўйхатдан ўтказиш учун (мулк ҳуқуқи юзага келганда ва бошқа шахсга ўтказилганда) ариза берувчи қуйидаги ҳужжатлардан бирини тақдим этиши шарт:

- 1) қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси;
- 2) нотариал тасдиқланган шартномалар:
 - уй (квартира)нинг олди-сотди шартномаси;
 - корхонани топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан бирга олди-сотди шартномаси;
 - лизинг шартномаси;
 - бино (иншоот, турар жой)ни ҳада этиш тўғрисидаги шартнома;
 - бино (иншоот, турар жой)ни айир-бошлаш тўғрисидаги шартнома;
 - турар жойнинг бошқа шахсга рента

тўлови шарти билан ўтказилиши назарда тутилган рента шартномаси;

3) бино (иншоот) бўйича топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан бирга олди-сотди шартномаси;

4) хусусийлаштирилган давлат биноси (иншооти, турар жойи)га бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери;

5) нотариуслар томонидан берилган, мерос қилиб олиш ҳуқуқи ва эрхотинларнинг умумий мулки бўлган бино (иншоот)нинг тегишли қисмига бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома;

6) суд қарори ёки давлат ижрочисининг қарори ёхуд давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган бино ва иншоотни бериш далолатномаси (1-сон Низомнинг 42-банди).

Кўрииб турганидек, ушбу рўйхат ба-тафсил бўлиб, кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи юзага келадиган бошқа вазиятларни ҳисобга олмайди.

7-бетда

Ушбу
сонда:

Қишлоқдагилар учун
пенсия

Ишончнома 12 ой
амал қилади

Чел эллик пенсияни
қандай расмийлаштирсин

Нотўғри тўхтаганлик учун
жавобгарлик

3-6-БЕТЛАР

8-БЕТ

Турфирмалар янги имтиёз олди



бўлган янги транспорт воситаларини ИИБ органларида рўйхатдан ўтказишда 1.01.2022 йилгача Республика йўл жамғармасига умуман йўл туламайди.

Эслатиб ўтамиз, олиб қилинган 8 ва ундан ортиқ кишини (ҳайдовчи билан биргаликда) ташишга мўлжалланган туризм тоифасига оид транспорт воситалари ҳудди шу давргача божхона

на тўловларини тўлашдан озод этилган, божхона расмийлаштирувчи учун йўллардан бундан мустасно (3.02.2018 йилдаги ПФ–5326-сон Фармон).

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 25.05.2018 йилдан кучга кирди.

Жисмоний шахслар учун ЭРИ арзонлашди

Бу давлат раҳбарининг 5.06.2018 йилдаги Президентнинг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблашга доир ПФ-5456-сон Фармонида назарда тутилган.

Президентнинг 18.07.2018 йилдаги ПФ-4455-сон Фармонида иловага тегишли тузатишлар киритилган.

Энди жисмоний шахсларга электрон рақамли имзо бериш учун тўлов ЭКИХнинг 10%идан 7%игача камайтирилади. Яъни у 17 224 сўм ўрнига 12 056 сўмни

ташкил этади (шарҳ эълон қилинган пайтдаги ЭКИХдан келиб чиққан ҳолда).

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ЭРИни рўйхатдан ўтказиш учун тўлов миқдори ЭКИХнинг 10%и миқдорида сақлаб қолинди.

Эслатиб ўтамиз, электрон рақамли имзо қилтирари давлат ва банк хизматларининг барча турларидан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва Давлат хизматлари марказлари томонидан расмийлаштирилади. У ерга шахсан бориб ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда мурожаат қилиш мумкин.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.06.2018 йилдан кучга кирди.

Коррупцияга қарши экспертиза: тафсилотлар аниқлаштирилди

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиятига тузатишлар киритилди (АВ томонидан 1.06.2018 йилда 2745-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Биринчидан, коррупцияга қарши экспертизанинг асосий мақсадлари белгиланди – лойиҳаларда коррупциявий омиллар юзга келишининг олдини олиш ва фожия ҳақида уларни кейинчалик бартараф этиш.

Иккинчидан, жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни ўз ичига олган коррупциявий омиллар рўйхати кенгайтирилди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳулқ-атвори ва фаолиятини бир-бирига боғлиқ бўлмаган ва асосланмаган тарзда тартибга солишда акс этадиган, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг эркинлиги чекланишига олиб келиши мумкин бўлган муносабатларни керагидан ортиқ ҳуқуқий тартибга солиш ҳам улар жумласига киради.

Маълумот учун: услубият коррупциявий омилларини ҳисобга олган асосий тоифасини кўрсатади:

➤ ҳуқуқни қўлловчи учун умумий қоидалардан истисноларни асоссиз даражада кенг доирада назарда тутиш ёки асоссиз қўллаш имкониятини белгилловчи;

➤ жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни ўз ичига олган;

➤ ҳуқуқий тартибга солишда камчиликлар мавжудлиги билан боғлиқ бўлган.

Лойиҳа тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар хусусиятини инобатга олган ҳолда бошқа нормалар ҳам коррупциявий омиллар сифатида баҳолаши мумкин.

Учинчидан, коррупцияга қарши экспертиза адлия органлари томонидан НХҚ лойиҳаларини (барча турдаги; қонунчилик, қонуности ва идоравий ҳужжатларни – таҳр.) ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

доирасида ўтказилади. Тузатишлар мустақил экспертизани ва тор ихтисосликдаги мутахассисларни уни ўтказишга жалб этиш имкониятини беради.

Туртинчидан, энди коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича барча фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш мажбурий бўлиб, лойиҳа ҳуқуқий экспертизига такроран киритилганда улар бартараф этилган бўлиши керак. Илгари бундай фикр-мулоҳазалар фақат идоравий НХҚ учун мажбурий бўлиб, қолган лойиҳалар учун эса тавсия тусига эга эди.

Бешинчидан, амалдаги ҳужжатлар қуйидаги асосларга кўра коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади:

➤ адлия органлари, давлат органлари ва таъкилотларининг иш режалари;

➤ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

➤ жамоатчилик назорати субъектларининг таклифлари ва тавсиялари;

➤ мақолалар ва ОАВга келиб тушган бошқа материалларни ўрганиш натижалари.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 5.06.2018 йилдан кучга кирди.

Табиий газ йўқотишлари қандай ҳисобланади?

Табиий газ етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (АВ томонидан 1.06.2018 йилда 3018-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатда табиий газни трубопровод орқали транспортировка қилишдаги йўқотишларни ҳисоблаш усуллари, услублари ва махсус формулалари ўз аксини топган.

У Президентнинг 29.05.2017 йилдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Фармонида асосан ишлаб чиқилган. Фармон билан илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, энергия ресурсларини етказиб бериш,

транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги йўқотишларни аниқлаш тартибини тасдиқлаш кўзда тутилган эди.

У газ етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар учун табиий газ сарфи ва йўқотишларини ҳисоблашнинг асосий усуллари ўз ичига олган. Айтиш керакки, мазкур корхоналар газ сарфини режалаштиришда, газни ҳисобга олиш приборлари йўқлиги ёки носозлигида ҳамда газ сарфи бўйича ҳисоботларни юритишда ушбу йўриқномани қўллашлари мажбурий саналади.

Бу – муҳим! Йўқотишларни аниқлаш истеъмолчига ҳеч қандай таъсир қилмайди, фақатгина соҳага доир махсус юридик шахсларга тегишлидир. Йўриқнома «Ўзбекнефтегаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Ленара Хикматова, Олег Заманов, Фозила Ашурова, «Norma» МЧЖ экспертлари.

УШБУ СОНДА

• АХБОРОТ–КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

– ЯИДХПда янги хизмат тури

1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

• ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИНИНГ ЭЪТИБОРИГА

– Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш масалалари

1, 7-бетлар

• ПЕНСИЯ ИШИ

– Стаж, иш ҳақи ва бадаллар ҳақида

– Бир йилдан ортиқ эмас
– Вақти келган бўлса
– Ҳамма қатори
– Устама ҳақ олиш ҳуқуқи
– Чет эл фуқароси учун пенсия
– Тўлиқ давлат таъминотида
– Қўшнига ишонса
– Ўтган йиллардаги иш ҳақи
– Регламентсиз тартиб

– Давлат ижтимоий сугуртаси маблағлари ҳисобига
– Хизматдан кейин – ишга

3-6-бетлар

• АВТОНОРМА

– Бизда нотўғри тўхтаб турганингиз қайд этилган фотосурат бор...
– Эътибор беринг

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўйиштириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ушбу соннинг бош мавзуси – қишлоқда яшаб, меҳнат қилаётганлар учун пенсия. Мазкур масаланинг барча жиҳатларини ойдинлаштиришда ёрдам берамиз.

Бошқа мувожаатлар ҳам эътибордан четда қолдирилмади. Улар турли вазиятларга тааллуқли.

Уларга экспертларимиз ва Пенсия жамғармаси мутахассислари жавоб берадилар.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўланг.

Экспертга савол

Стаж, иш ҳақи ва бадаллар ҳақида

Тахририятимиз электрон почтасига қишлоқ аҳолисининг бўлажак пенсияси ҳақидаги саволлар кўпроқ кела бошлади. Далада, фермада, боғда ишловчилар қарилик чоғида ижтимоий ҳимоя олишга ҳақлидирлар. Бунинг учун айрим талабларни бажаришнинг ўзи кифоя.

– *Одатда, деҳқон хўжаликлари ҳар хил турдаги фаолият билан шуғулланадилар. Бу пахта, буғдой ёки қорамол етиштириш, шунингдек чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Деҳқон хўжаликлари аъзоларини ижтимоий сугурталаш шартлари хўжалиқнинг қандай фаолият тури билан шуғулланишига боғлиқми?*

– Айни пайтда боғлиқ эмас. Барча деҳқон хўжаликлари учун ижтимоий сугурта шартлари, улар етиштирадиган маҳсулотдан қатъи назар, бир хил.

Бироқ 2018 йил 1 июлдан бошлаб деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган жисмоний шахслар томонидан Бюджет-

Маълумот учун!

Архив маълумотлари **МАВЖУД БЎЛМАГАНДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРИ 2005 йилдан кейинги давр учун жамғариб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиқиб аниқланади.**

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ахборот кўмағида тайёрланди.

БУГУНГИ СОНДА:

ВАҚТИ КЕЛГАН
БЎЛСА

Жамғармадан
фойдаланмоқчиман

2

ҲАММА ҚАТОРИ

Бадал тўланг, стаж
ёзилади

4

ЎТГАН ЙИЛЛАРДАГИ
ИШ ҲАҚИ

Иш ҳақининг яқка
тартибдаги
коэффициенти
нимадан таркиб
топади

7

ХИЗМАТДАН КЕЙИН –
ИШГА

Ишловчи пенсионер
ҳарбий бўлганда

8

Маевзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.



дан ташқари пенсия жамғармасига йилига ЭКИХнинг 1 баробари миқдорига сугурта бадали тўланган тақдирда, сугурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилади (26.04.2018 йилдаги ПҚ-3680-сон қарорнинг 14-банди).

– Деҳқон ҳўжалиги ходими келгусида пенсия олиши учун нималар қилиши керак?

– Деҳқон ҳўжалиги аъзоси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган тақдирда пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «г» банди). У пенсия ёшига тўлганда ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда бошланади.

Деҳқон ҳўжалиги аъзоси сугурта бадалларини тўлаш бошлаш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўловчиси сифатида солиқ органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши лозим.

– Сугурта бадаллари миқдори деҳқон ҳўжалигидаги ходимнинг эгаллаб турган лавозимига боғлиқ бўладими?

– Йўқ, боғлиқ бўлмайди. Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликларининг барча аъзолари, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, сугурта бадалларини йилига ЭКИХнинг 4,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Белгиланган миқдордаги сугурта бадалларининг тўланиши деҳқон ҳўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади (Солиқ кодексининг 311-моддаси).

Юқорида айтилганидек, 2018 йил 1 июлдан бошлаб деҳқон ҳўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки қорамол ёхуд парранда парвариш-лаётганлар йилига ЭКИХнинг 1 баробари миқдорига сугурта бадали тўлашлари керак. Мазкур йил меҳнат стажига киритилади.

Бунда деҳқон ҳўжалигининг бошлиғи уларни мажбурий тартибда, бошқа аъзолари эса, ихтиёрийлик асосида тў-

лайди. Белгиланган миқдордаги сугурта бадалларининг тўланиши деҳқон ҳўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Шуни қайд этиш лозимки, тайинланадиган пенсия, шунингдек иктомий сугурта бўйича нафақалар миқдори деҳқон ҳўжалиги аъзосининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлаган сугурта бадаллари миқдорига ва меҳнат стаж давомийлигига боғлиқ. Сугурта бадалининг белгиланган миқдордан ортиқ тўланиши ходимнинг пенсия тўловлари миқдорини ҳам оширишга имкон беради.

– Сугурта бадалларини бир йўла тўлаш керакми ёки бутун йил давомида тўласа бўладими? Уларни тўлаш муддатлари қандай?

– Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликларининг аъзолари сугурта бадалларини ҳисобот йилининг 1 октябргача тўлайдилар. Бунда уларнинг миқдори тўлов кунига белгиланган ЭКИХ миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади (Солиқ кодексининг 311-моддаси 4-қисми).

Кўриб турганингиздек, сугурта бадалларини бир йўла тўлаш талаб қилинмайди. Уларни бир йўла ёки қисмларга бўлиб, бироқ 1 октябргача тўлаш мумкин.

– Деҳқон ҳўжалигида ишловчилар учун иш стажига қандай тартибда ҳисоблаб чиқиладими?

– Деҳқон ҳўжалиги аъзосининг иш стажини ҳисоблаб чиқишда Солиқ кодексининг 311-моддасида белгиланган Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари миқдори тўланганда иш стажига бир йил қўшилади (ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 35-банди).

Бошқа барча ҳолатларда иш стажига Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган ойларга мутаносиб равишда ҳисобга олинади (46-сон Низомнинг 37-банди).

– Деҳқон ҳўжалиги аъзоси касал бўлган вақт меҳнат стажига қўшиладими?

– Деҳқон ҳўжалиги аъзосининг вақтинча меҳнатда қобилиятсизлик даври, башарти бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса, пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

– Пенсия миқдорини аниқлашда деҳқон ҳўжалиги аъзосининг иш ҳақи қандай ҳисоблаб чиқиладими?

– Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган аниқ бир ой (йил) учун деҳқон ҳўжалиги аъзосининг даромади Пенсия жамғармасига тўланган ойлик (йиллик) сугурта бадали суммасини Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлаш даврида амалда бўлган ЯИТ (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер ҳўжаликлари учун) ва сугурта бадалларининг умумий ставкасига бўлиш ҳамда олинган натижани 100 га қўпайтириш йўли билан аниқланади (46-сон Низомнинг 39-банди).

МИСОЛ. Деҳқон ҳўжалиги аъзоси 775 080 сўм (ЭКИХнинг 4,5 баравари) миқдоридаги сугурта бадалларини тўлади. Деҳқон ҳўжалиги аъзосининг йиллик даромади миқдори 3 369 913,043 сўмни (775 080 х 100 / 23 (15 – микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер ҳўжаликлари учун ЯИТ) + 8 – сугурта бадаллари), ёки ойига 280 826,09 сўмни (3 369 913,043 сўм / 12) ташкил этади.

Агар деҳқон ҳўжалиги аъзоси 1 550 160 сўм (ЭКИХнинг 9 баравари) миқдорида сугурта бадалларини тўласа,

унинг йиллик даромади 6 739 826,09 сўмга (1 550 160 х 100 / 23), ёки ойига 561 652,17 сўмга (6 739 826,09 сўм / 12) тенг бўлади.

Бинобарин, сугурта бадаллари суммаси қанча кўп бўлса, пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори шунча юқори бўлади. Тегишинча, бўлажак пенсия миқдори ҳам катта бўлади.

Зафаржон Ҳўжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

Расмий жавоб

Бир йилдан ортиқ эмас

? *Пенсионер бошқа давлатга кетганда бошқа киши унинг учун пенсия тўловларини ишончнома бўйича неча ой олиши мумкин?*

Зиёдуллаев. Тошкент ш.

– Пенсия қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича, 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда тўланиши мумкин.

Ишончнома Ўзбекистон ташқарисида расмийлаштирилган бўлса, унга ушбу ҳужжат расмийлаштирилган давлатнинг ваколатли органи томонидан април қўйилиши лозим, Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар конвенциясининг (Минск шаҳри, 22.01.1993 йил) иштирокчи давлатлари – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар бундан мустасно.

Ишончнома пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотнинг бўлимида тасдиқланади. Бундан кейин ишонч билдирилган шахс томонидан ишончнома тақдим этилган санадан бошлаб 10 кун муддатда бўлимининг асосий муҳри ва раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган унинг нусхаси Ўзбекистон Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига юборилиши шарт.

Ишончли вакил пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин

бўлган ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига хабар бериши шарт.

Бунда ишончнома берган шахс Пенсия жамғармаси бўлимида бирига 1 йилда камида 1 марта келиб, тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак. Пенсия учун муайян сабабга кўра (соғлиги туфайли, даволаш муассасаларида, шу жумладан руҳий касаллар учун стационар даволанишда бўлган ва б.) шахсан кела олмаса, Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари тайинланган пенсияга бўлган ҳуқуқини тасдиқлаш учун пенсионер турган жойга чиқишлари мумкин.

Пенсионер хорижий давлатда бўлган ва соғлиги туфайли Ўзбекистонга келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда у Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат этиши мумкин ва ушбу хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек пенсия ёки ижтимоий нафақа олмаслигини тасдиқлаши лозим (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 160-банди).

Вақти келган бўлса

? *Мен пенсияни расмийлаштирдим. ШЖБПҲда жамғарилган маблағни олмоқчиман. Бунга исталган вақтда амалга ошириш мумкинми ёки қандайдир алоҳида тўлов саналари белгиланганими? Бунда қандай ҳужжатларни тақдим этишим керак?*

Рожков. Тошкент ш.

– Жамғариб бориладиган пенсия тизимида олувчилар сифатида иштирок этувчи барча фуқаролар қонун

ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келганда, яъни пенсия ёшига тўлганда ва пен-

сияни расмийлаштирганда пенсия жамғармаларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Маевуви сонни Алла Ромашко олиб боради.

Сиз яшаш жойингиздаги Пенсия жамғармаси бўлимидан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани

олишингиз керак бўлади. Ушбу ҳужжат асосида яшаш жойингиздаги Халқ банки филиали томонидан ШЖБПХда жамғарилган маблағлар тўланади.

Мазкур тўловлар уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, бироқ олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади. Ушбу тўловларни амалга ошириш даври ва даврийлиги олувчи томонидан белгиланади ва чекланмайди (Низомнинг 11-банди 2-хатбошиси, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 3-илова).

ШЖБПХдан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали ҳам олиш мумкин («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 16, 18–20-моддалари).



Ҳамма қатори



Киши диний ташкилотда ишлаган бўлса, мазкур иш вақти унинг стажига қўшиб ҳисобланадими?

А.Р. Тошкент ш.

– Фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у сугурта бадаллари тўлаган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси).

Диний ташкилотларда ишлаш даври ҳам, агар бу даврда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган бўлса, стажга қўшиб ҳисобланади (252-сон Низомнинг 47-банди).



Устама ҳақ олиш ҳуқуқи



Турмуш ўртоғим ички ишлар органларининг ходими бўлган. Яқинда у вафот этди. Эшитишимча, бундай ходимларнинг оилаларига пенсияга устама ҳақ тўланар экан. Шу тўғрими?

Гулсара И. Тошкент ш.

– Афсуски, мурожаатингизда турмуш ўртоғингиз қандай сабабга кўра вафот этганини ёзмагансиз. Шунинг ҳисобга олиш лозимки, вафоти ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидаги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинлари (бева эрлари) пенсияга

устама ҳақ – ЭКИХнинг 30%ини олиш ҳуқуқига эга бўладилар («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси).

Тегишинча, турмуш ўртоғингиз хизмат мажбуриятларини бажараётиб вафот этган бўлса, пенсияга устама ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Маълумот учун!

Барча ЗАРУР ҲУЖАТЛАР билан бирга тақдимнома ёки ариза ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН кун пенсия сўраб мурожаат этилган КҮН ҳисобланади.

Мазъувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Чет эл фуқароси учун пенсия

? Бошқа давлат фуқаросиман, яшаш гувоҳномам бор. Тошкентда яшаган вақтимда ишлаганман, тегишинча, меҳнат стажига эгаман. Ўзим фуқароси бўлган давлат ташкилотларидан бирида ҳам ўриндошлик асосида (масофадан туриб) ишлаганман. Ушбу маълумотлар асосида пенсияни расмийлаштирганман, уни пул ўтказиш йўли билан оламан.

Доимий яшаш жойида, яъни Ўзбекистонда пенсияни қайта расмийлаштиришим мумкинми? Бунинг учун қандай ҳужжатларни тақдим этиш керак?

Ангелина. Тошкент ш.

— Ўзбекистонда доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси).

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги битимнинг (Москва, 13.03.1992 йил) 6-моддаси 1-бандига мувофиқ, Битимга аъзо давлатлар фуқароларига пенсиялар яшаш жойи бўйича тайинланади.

Пенсионер Битимга аъзо давлатлар чегарасида кўчганда, агар пенсионернинг янги яшаш жойидаги давлат қонунчилигида худди шу турдаги пенсия назарда тутилган бўлса, аввалги яшаш жойида пенсия тўлаш тўхтатилади.

Пенсия миқдори пенсионернинг янги яшаш жойида Битимга аъзо давлат қонунчилигига мувофиқ Битимнинг 6-моддаси 3-бандида назарда

тутилган шартларга риоя қилган ҳолда қайта кўриб чиқилади (Битимнинг 7-моддаси).

Ёшга доир пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатлар рўйхати 252-сон Низомнинг 12-бандида келтирилган. Унга мувофиқ, қуйидагилар тақдим этилиши керак:

- иш стажини, шу жумладан, махсус иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжат;
- иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;
- ариза берувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси нусхаси (2005 йил 1 январдан кейин).

Тайинланадиган пенсиянинг ўзига

хос хусусиятига қараб тасдиқловчи маълумотномалар ҳам тақдим этилиши зарур.

Шунингдек рўйхатда маълумоти тўғрисидаги, болани парвариш қилиш бўйича таътилда бўлганлиги тўғрисидаги маълумотномалар кўрсатилган. Бунда болани парвариш қилиш бўйича таътил берилганлиги ва ундан қайтилганлиги тўғрисидаги буйруқларнинг нусхалари илова қилиниши лозим (252-сон Низомнинг 12-банди «а»—«п» кичик бандлари).

Шуни қайд этиб ўтмоқчиманки, рўйхатда 16 та ҳужжат бор, сабаби пенсия сўраб мурожаат қилган ҳар бир шахсга алоҳида ёндашилади.

Абдурашид Исмоилов,

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Реклама

«КИЧИК ҚОРҲОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90; E-mail: office@norma.uz; web: www.norma.uz



Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Бизга мактуб йўллабсиз

Тўлиқ давлат таъминотида



Ўғлим – болаликдан ногирон. Айти пайтда у «Меҳрибонлик» уйида яшамоқда. Илгари ўғлим учун нафақа олардим. Ҳозир унга нафақа тўланмайдиган дейишди. Шу тўғрими?

Н.Иброҳимова.

– Афсуски, ҳа. Болаликдан ногирон боланинг «Меҳрибонлик» уйида яшаши нафақа тўлашни тўхтатиш учун асослардан бири ҳисобланади.

Чунончи, нафақа тайинланган шахслар тўлиқ давлат таъминотида ўтказилганда ёки «Меҳрибонлик», «Саховат», «Муравват» уйларида ва шу қабиларга юборилган-

лиги ёки ундан қайтиб келганлиги сабабли тўлиқ давлат таъминотидан чиқарилганда нафақа тўлаш тегишли ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади ёки тикланади (Низомнинг 15-банди 4-хатбоши, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 1-илова).

Қўшнига ишонса



Қўшним – ёлғиз кекса аёл. Унинг юриши қийин.

Мен (қариндоши бўлмаган ҳолда) унинг учун ҳар ой пенсия олишим мумкинми?

Резнова. Тошкент ш.

– Ҳа, қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича қўшиниш учун пенсия олишини мумкин. Бунда ишончнома берган шахс Пенсия жамғармаси бўлиmlаридан бирига 1 йилда камида 1 марта келиб, тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак.

Пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсионернинг келиши имконияти мавжуд эмаслиги (соғлиги туфайли, даволаш муассасаларида, шу жумладан руҳий касаллар учун стационар даволашида бўлиш) тўғрисида маълумотлар олинганда, унинг ходимлари тайинланган пенсияга бўлган ҳуқуқини тасдиқлаш учун пенсионер турган жойга

чиқишлари мумкин (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 160-банди).



Ўтган йиллардаги иш ҳақи



Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини нима ўзи, у нималардан таркиб топади?

Р.Йўлдошева, бухгалтер.

– Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини – тегишли ой учун пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг айнан шу ой учун энг кам ойлик иш ҳақи нисбати сифатида аниқланадиган миқдор.

Ўтган йиллардаги иш ҳақини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига мувофиқлаштириш мақсадида иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентидан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини қайта ҳисоблаб чиқиш учун фойдаланилади.

Шахс олган иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини

ти, ишдаги мавжуд танаффусларидан қатъи назар (пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг танлашига кўра), меҳнат фаолиятининг охириги 10 йилли мобайнидаги исталган кетма-кет 60 ойдан ҳар бир ойи учун аниқланади, бунда шахснинг пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақи тегишли ойдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига бўлинади ва қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$ИКЗi = \PhiЗi / МЗПi$, бунда:

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

ИКЗi – i ой учун иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти;

ФЗi – i ой учун иш ҳақи, сўм;

МЗПi – i ой учун энг кам ойлиқ иш ҳақи, сўм (Низом, ВМнинг 252-сон қарорига 2-шлова).

МИСОЛ. 2006 йил май ойидаги иш ҳақи 72 000 сўмни ташкил этади. Энг кам иш ҳақи 9 400 сўмга тенг. Бу ҳолда иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти 7,6596 ни (72 000 / 9 400) ташкил этади.

Регламентсиз тартиб



Вафот этган муайян яшаш жойига эга бўлмаган фуқаронинг дафн маросимини уюштирган киши дафн этганлик учун нафақа олишга ҳақлими? Агар ҳақли бўлса, бунда қандай ҳужжатлар керак бўлади ва қаерга мурожаат қилиш зарур?

Н.Пак. Тошкент ш.

– Ҳақиқатан ҳам, дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахс нафақа олиш ҳуқуқига эга.

Бунинг учун марҳумнинг (доимий ёки вақтинча) яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига нафақа тайинлаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш лозим. Яшаш жойи аниқланмаган бўлса, ўлим тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилган жойдаги Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилиш мумкин. Аризага қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

➤ ФХДЕ органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган ўлим тўғрисидаги гувоҳнома ва ўлим тўғрисидаги маълумотноманинг асл нусхаси;

➤ ариза берувчининг паспорти.

Марҳум қариндоши ҳисобланмаса, Пенсия жамғармаси бўлимлари айнан ариза берувчи марҳумни дафн этган-



лигини тасдиқловчи қўшимча ариза (ёки ҳужжат) талаб қилишлари мумкин. Бироқ мазкур тартиб норматив ҳужжатларда белгиланмаган (Низомнинг 7, 16, 17-бандлари, ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон қарорига 1-шлова).

Давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобига



Қандай ҳолатларда якка тартибдаги тадбиркорга ижтимоий суғурта бўйича нафақа тайинланиши мумкин?

Рустем К. Тошкент ш.

– Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан:

➤ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;

➤ бола туғилганда бериладиган нафақалар;

➤ давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари;



➤ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар билан таъминланадилар.

Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, суғурта қилинган ходимларнинг шифобахш (парҳез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш, давлат ижтимоий суғуртасига доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади (МКнинг 284-моддаси).

Якка тартибдаги тадбиркорларга давлат ижтимоий сугуртаси маблағларидан нафақалар:

- бола туғилганда;
- дафн этиш учун – у амалга оширилган ҳолда;
- ёшга доир ва ногиронлик нафақаси – ёшга доир

давлат пенсияси ёки ногиронлик пенсиясига ҳуқуқ мавжуд бўлмаган ҳолда (Низом, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 2-илова);

- болаликдан ногиронлик бўйича (Низом, ВМнинг 107-сон қарорига 1-илова) тайинланиши мумкин.

Хизматдан кейин – ишга



Пенсия ёшидаги собиқ ҳарбий хизматчини МЧЖдаги ишга қабул қилмоқчимиз.

1. Унга пенсия қандай миқдорда (100 ёки 50%) тўланади, уни қаредан олиши керак – ташкилотдами ёки яшаш жойи бўйичами?

2. Ишга қабул қилиш чоғида қандай ҳужжатлар (ШЖБПХ дафтарчаси, меҳнат дафтарчаси ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома) талаб этилади?

Р.Е., КБ инспектори.

1 Сўнгги вақтда айрим бюджет ташкилотларида меҳнат фаолияти юритаётган ишловчи пенсионерлар – собиқ ҳарбий хизматчиларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланишига доир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган (айримлари АВ томонидан 30.04.2011 йилда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомда келтирилган).



Ташкилотингиз МЧЖ шаклида эканлигини ҳисобга олсак, пенсия 50% миқдорида тўланиши керак.

ЎзР Мудофаа вазирлиги, ФВВ ва ДХХ ҳисобида турган ишловчи пенсионерларга пенсиялар уларнинг ҳақиқий яшаш жойи бўйича Халқ банки филиаллари томонидан тўланади.

ИИВ ва ДБҚ ҳисобида турган ишловчи пенсионерларга пенсиялар уларнинг ҳақиқий яшаш жойи бўйича ички ишлар органлари ва божхона органлари томонидан тўланади.

Бунда шунингдек тутиш зарурки, ташкилотлар раҳбарлари пенсионерни ишга қабул қилганлари тўғрисида (шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузганлари тўғрисида) 5 кун муддат ичида унга пенсия тайинлаган Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ФВВ, ДХХ ва ДБҚга хабар бериб, ишга қабул қилганлик тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани (фуқаролик-ҳуқуқий шартнома нусхасини) тақдим этишлари шарт.

2 Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни:

- паспорт ёки унинг ўринини босадиган бошқа ҳужжатни;
- меҳнат дафтарчасини. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;
- ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий билетни;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус, касб-

хунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади (МКнинг 80-моддаси).

Бироқ амалиётда иш берувчилар СТИР ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг нусхалари, аввалги иш жойидан тавсиянома, фотосуратларни тақдим этишни сўрайдилар.

Зафаржон Хўжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

Маълумот учун!

ЭКИХнинг 100%и миқдоридаги пенсияга УСТАМАЛАРНИ «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» унвонига сазовор бўлганлар ва олий нишон – «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали билан тақдирланганлар олишга ҳақлидилар.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш масалалари

1-бетда

Низомда назарда тутилмаган ҳолатлар

1-МИСОЛ. Юридик шахс кўчмас мулкка эга. Мулк ҳуқуқи, белгиланганидек, кадастр органида рўйхатдан ўтказилган. Ушбу корхона қайта ташкил этилишга қарор қилди. Қайта ташкил этиш учун муассисларнинг умумий йиғилиши тегишли қарор қабул қилиши лозим. Юридик шахс ажратиб чиқариш, бўлиш, қўшиб олиш, қўшиб юбориш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилиши мумкин.

Ажратиб чиқариш ва бўлишда бир юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (шу жумладан мол-мулки) тақсимлаш баланси асосида бошқасига ўтади. Қўшиб юбориш, қўшиб олишда бир юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (шу жумладан мол-мулки) топшириш далолатномаси асосида бошқасига ўтади. Ўзгартиришда бўлгани сингари, мавжуд корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномаси асосида янгидан вужудга келган ҳўжалик юритувчи субъектга ўтади (ФКнинг 50-моддаси). Қонун ҳужжатларида мол-мулкни бериш тўғрисида қандайдир бошқа шартномаларни тузиш талаб этилмайди. Шу муносабат билан мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун айнан кўрсатилган ҳужжатлар (муассисларнинг умумий йиғилиши қарори, тақсимлаш баланси ёки топшириш далолатномаси) асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Амалиётда эса кадастр органи қайта ташкил этилаётган юридик шахслар кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасини (қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан бирга) тақдим этишни талаб қилади. Кадастр органининг ваколатли шахслари бу 1-сон Низомнинг 42-бандида назарда тутилганлигини ваъж қилиб, ушбу шартнома бинони рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлади дейдилар.

Бироқ олди-сотди шартномасига биноан сотувчи бино (иншоот)ни муайян

қийматга сотади, сотиб олувчи эса уни харид қилади (ФКнинг 479-моддаси). Бу алоҳида битим бўлиб, қайта ташкил этишга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Шуни қайд этиб ўтамизки, қайта ташкил этиш муносабати билан юридик шахсни қайта рўйхатдан ўтказиш чоғида ҳам Давлат хизматлари кўрсатиш марказида бундай шартномани тақдим этиш талаб этилмайди (Низом, ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова).

2-МИСОЛ. Масъулияти чекланган жамият муассиси иштирокчилар таркибидан чиқмоқда. Бунда у яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк тарзидаги ўз улушини олмақда («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси). Бу ҳолда кўчмас мулк муассисларнинг умумий йиғилиши қарори ва бинони (иншоотни) қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида иштирокчига ўтиши лозим.

Бироқ кадастр органи қабул қилиш-топшириш далолатномасини нотариал тасдиқлашни талаб қилади. Аслида 1-сон Низомнинг 42-бан-

дида бундай далолатнома мустақил асос сифатида назарда тутилмаган. Кадастр органининг яшаш учун мўлжалланган бинони қабул қилиш-топ-

шириш далолатномасини нотариал тасдиқлаш тўғрисидаги талаби Фуқаролик кодексининг умумий моҳиятига мувофиқ келади. Сабаби уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномалари нотариал тасдиқланган бўлиши керак (ФКнинг 488, 497, 504, 512, 531-

моддалари). Бироқ ФКда яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси нотариал тасдиқланиши ҳақидаги тўғридан-тўғри норма мавжуд эмас. Бу ўз навбатида қонун ҳужжатларидаги камчилик ҳисобланади.

3-МИСОЛ. МЧЖ муассиси унга тўланиши лозим бўлган дивидендлар суммасини жамиятга тегишли кўчмас мулк тарзида олмақчи. Қолган иштирокчилар бунга қарши эмас, иштирокчилар умумий йиғилишининг тегишли қарори мавжуд (МЧЖда атиги битта муассис бўлса, у ҳам шундай қарорни қабул қилади). Ёки ХКнинг ягона мулкдори ўз қарорига биноан ўз дивидендлари сифатида корхона биносини олади. Иккала ҳолатда мулкдорнинг (муассислар умумий йиғилишининг) қарори ва кўчмас мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Бироқ 1-сон Низомнинг 42-бандида бу назарда тутилмаган.

Юридик шахсни тугатиш чоғида ҳам шунга ўхшаш вазият юзага келади. Сабаби юридик шахснинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки (унга кўчмас мулк ҳам кириши мумкин) унинг муассисларига, агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, топширилади (ФКнинг 55-моддаси).

Ушбу вазият ҳам 1-сон Низомда назарда тутилмаган.

4-МИСОЛ. Корхона ўз фирма номини ўзгартирди. Тегишинча, у Давлат хизматлари кўрсатиш марказида давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказилди (66-сон Низомнинг 21-банди). Аввалги номдаги юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган кўчмас мулк билан нима қилиш керак? Қонун ҳужжатларининг умумий моҳиятидан келиб чиқилса, кадастр органи қайта рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатлари асосида корхонанинг кадастр ҳужжатларини (янги фирма номига) қайта расмийлаштириши керак.

Бироқ 1-сон Низомда бу назарда тутилмаган.

5-МИСОЛ. Фуқаро ўз фамилиясини ўзгартирди. У ўзининг аввалги исмига расмийлаштирилган ҳужжатларга ўз ҳисобидан тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 19-моддаси). Шу тариқа, жисмоний шахс кўчмас мулкнинг кадастр ҳужжатлари унинг аризасига кўра қайта расмийлаштирилиши керак.

1-сон Низомда бундай қайта расмийлаштириш талаби ҳам назарда тутилмаган.

Бизнинг таклифларимиз

➤ Юқорида баён этилганлар муносабати билан 1-сон Низомнинг 42-бандига ўзгартиришлар киритиш ва бино, иншоотга бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун (мулк ҳуқуқи юзага келганда ёки бошқа шахсга ўтказилганда) тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхатини қуйидаги мазмундаги кичик бандлар билан тўлдириш зарур деб ҳисоблаймиз:

юридик шахс олий бошқарув органининг қарори (иштирокчилар (муассислар, аъзолар) умумий йиғилишининг баённомаси, ягона иштирокчидан қарори), юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, тақсимлаш баланси – юридик шахслар ажратиб чиқариш ва бўлиш шаклларида қайта ташкил этилганда;

юридик шахс олий бошқарув органининг қарори (иштирокчилар (муассислар, аъзолар) умумий йиғилишининг баённомаси, ягона иштирокчининг қарори), юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, топшириш далолатномаси – юридик шахслар қўшиб олиш, қўшиб юбориш, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилганда;

юридик шахс иштирокчиси улушининг ҳақиқий қийматини бино (иншоот) тарзида тўлаш тўғрисида юридик шахс олий бошқарув органининг қарори (иштирокчилар (муассислар, аъзолар) умумий йиғилишининг баённомаси, ягона иштирокчининг қарори), қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги

гувоҳнома нусхаси – юридик шахс таркибидан чиқётганда иштирокчи улушининг ҳақиқий қиймати тўланаётганда;

иштирокчига дивидендларни бино (иншоот) тарзида тўлаш тўғрисида юридик шахс олий бошқарув органининг қарори (иштирокчилар (муассислар, аъзолар) умумий йиғилишининг баённомаси, ягона иштирокчининг қарори), қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

тугатиш баланси, туғатилаётган шахснинг биносини (иншоотини) муассисга топшириш тўғрисидаги далолатнома, юридик шахс туғатишганлиги тўғрисида реестрдан кўчирма – туғатилаётган юридик шахснинг биносини (иншоотини) унинг иштирокчисига ўтаётганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқи юзага келиши ва ўтишини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар.

➤ Тегишинча, бино, иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи бекор қилинишини тартибга солувчи 1-сон Низомнинг 46-бандини ҳам тегишли кичик бандлар билан тўлдириш лозим.

➤ Шунингдек 1-сон Низомда мулкдорлар ёки кўчмас мулкка бошқа ашёвий ҳуқуқлар эгаларининг номи (номланиши) ўзгариши муносабати билан кадастр ҳужжатларини қайта расмийлаштириш тартибини белгилаш зарур. Фикримизча, кўчмас мулкни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилиниши лозим:

мулкдор ёки ашёвий ҳуқуқлар эгаси – жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ФХДЭ органларининг ёки туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимининг маълумотномаси);

мулкдор ёки ашёвий ҳуқуқлар эгаси – юридик шахснинг номи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат (юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, қайта номлаш тўғрисида юридик шахс олий бошқарув органининг қарори (иштирокчилар (муассислар, аъзолар) умумий йиғилишининг баённомаси, ягона иштирокчининг қарори));

➤ Бундан ташқари, қонун чиқарувчи юридик шахсдан унинг муассисига улушининг ҳақиқий қиймати, дивидендлар ва бошқалар ҳисобига тўланганда яшаш учун мўлжалланган жойни қабул қилиш-топшириш далолатномаси нотариал тасдиқланиш-тасдиқланмаслигини белгилаши лозим. Жавоб ижобий бўлса, Фуқаролик кодекси, «Нотариат тўғрисида»ги Қонун, Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли қўшимчалар киритилиши зарур. Топширилаётган бино (иншоот) яшаш учун мўлжалланган бўлса, бу ҳолда нотариал тасдиқланган қабул қилиш-топшириш далолатномасини тақдим этиш тўғрисидаги талаб ҳам 1-сон Низомда белгиланиши лозим.

Сабоҳат Султонова, «Norma» МЧЖ эксперти.

МЕНДА ФИКР БОР

Бизда нотўғри тўхтаб турганингиз қайд этилган фотосурат бор...

Транспорт воситалари ҳайдовчилари бўлмаганда тўхтаб туриш қоидаларини бузиш ҳолатлари қайд этилаётган янги тартибни куриб чиқамиз.

Яқинда кўпгина ОАВ Тошкент шаҳар ЙХХБ ходимлари транспорт воситаларининг тўхтаб туриш қоидаларини бузиш ҳолатларини фото ва видео орқали қайд этиб, автомобилнинг олд ойнасида махсус эслатма қолдираётганликлар ҳақида хабар тарқатдилар. Унда ҳуқуқбузарлиқни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун 3 кун муддатда ДЙХХХ органига келиш талаб этилади. Келмаган тақдирда транспорт воситаси ушлаб турилиши (жарима майдончасида) ҳақида огоҳлантиришмоқдалар.

Янгилик – Тошкент шаҳар ЙХХБнинг «Ўзбошимчалигимиз»?

Йўқ, бу «Ўзбошимчалик» эмас. Февралда Президентнинг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори (14.02.2018 йилдаги ПҚ-3528-сон) қабул қилинган. Мазкур ҳужжатнинг 25-бандида ИИБга 2 ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига пойтахтимизда транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан тўхтаб туриш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритиш вазифаси топширилган. Таклифларда ҳайдовчиси бўлмаганда ҳам нотўғри тўхтаб туриш ҳолатини қайд этиш ва баённомалар тузилиши назарда тутилган бўлиши керак.

Бироқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (АВ томонидан 5.07.2011 йилда 2240-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҳозирча ҳеч қандай ўзгаришлар киритилмади. Бинобарин, Тошкент шаҳар ЙХХБ ушбу ғояни мавжуд қонунчилик нормалари доирасида амалга оширишга уринмоқда.

Эслатма қандай юридик кучга эга?

Бугунги кунда тўхтаб туриш қоидалари бузилганлиги (МЖТКнинг 128-6-моддаси) ҳақида маъмурий баённома тузиш мажбурийлигича қолмоқда ва ҳужжат илгаригидек ҳуқуқбузар томонидан имзоланган бўлиши керак (Йўриқноманинг 5, 10-бандлари). Бунда баённома, қанда тартиқасида, жойнинг ўзида тузилиши лозим.

Шу сабабли олд ойнанинг «ойнатозалгичи» тагида қолдирилаётган эслатма ҳайдовчига жарима солинганлигини аниқлатмайди. Бунда эслатма ва унинг шакли (бланкаси) ҳали расмий ҳужжат тури сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилмаган. Шу сабабли ўз-ўзидан 2 та савол туғилади:

1) эслатмага ички ишлар органлари ходимининг қонуний талаби сифатида қараш зарурми;

2) эслатмани бу тарзда тақдим этиш (транспорт воситасида қолдириш) уни белгиланган шаклда тақдим этиш деб ҳисобланадими?

Шу ўринда қонунга кўра ДЙХХХ инспекторлари маъмурий баённомани тузиш чоғида ҳуқуқбузарнинг қатнашишини таъминлашлари шартлигини ва ҳатто бунинг учун уни 3 соат ушлаб туришга ҳақли эканликларини қайд этиб ўтмоқчимиз (МЖТКнинг 287-моддаси). Шахс баённомани имзолашдан ёки ёзма тушунтириш беришдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда уни тузган мансабдор шахс томонидан ёзиб қўйилади. Бунда гувоҳлар ёки ҳолислар иштирокида бош тортиш тўғрисида далолатнома тузилиб, маъмурий баённомага илова қилинади (МЖТКнинг 281-моддаси; Йўриқноманинг 11-банди).

Бироқ, кўриниб турганидек, ҳайдовчининг иштирокисиз баённома тузишга ҳали рухсат берилмаган. Агар у бўлмаса, уни топиш ва эҳтимол ушлаб туриш зарур бўлади.

Бундан ташқари, ҳайдовчининг эслатмани олганлиги ҳеч бир тарзда расмийлаштирилмайди. Ахир уни шамол учиб кетиши, унга сув сачраши, биронта шўх бола ўзи билан олиб кетиши мумкин. Ҳайдовчи умуман уни кўрмаслиги ёки реклама ё ҳазил деб қабул қилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Шу сабабли эслатма қолдирилишига, муаллифнинг фикрича, жойида бўлмаган ҳайдовчини излаш ва маъмурий тартибда ушлаб туришни кўзламаган ҳолда фуқароларни норасмий огоҳлантириш деб қараш зарур.

Жарима майдончаси билан огоҳлантириш-чи?

Кўриб чиқилаётган ҳолатда транспорт воситасини ушлаб туриш учун 2 та юридик асосни қўллашлари мумкин:

1) агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига ҳалақит берса, тўхтаб туриш



қоидаларини бузганлик учун транспорт воситаси ушлаб турилишига йўл қўйилди (МЖТКнинг 291-моддаси). Яъни ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди;

2) милиция ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабини бажармаганлик учун (МЖТКнинг 194-моддаси). Бироқ гап шундаки, машина ҳаракатланмаяпти, балки рухсат этилмаган жойда турибди. Шу сабабли бу – низоли асос.

Бундан келиб чиқадики, агар ҳайдовчининг омади кулиб, автомобилни эвакуаторда олиб кетмай, фақат ҳуқуқбузарлиқни фотосуратга олган ва эслатма қолдирган бўлсалар, ДЙХХБда машинани жарима майдончасига олиб кетишга асос бўлмайди (лекин ҳайдовчининг ўзини ушлаб туришга ҳақли бўладилар).

Хулосалар

Нима бўлмасин, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлар киритиш керак.

Бунда ҳайдовчи бўлмаса, ҳуқуқбузарлиқни параллель равишда фотосурат ёки видеотасвир орқали қайд этган ҳолда камиди иккита ҳолис иштирокида жойнинг ўзида баённома расмийлаштирилишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Баённома маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган ЙХХБ мансабдор шахсига берилгандан кейингина транспорт воситаси эгасига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш учун келиш ҳақидаги хабарномани почта орқали юбориш зарур (Йўриқномага 7-илова).

Агар транспорт эгаси (юридик шахслар учун – ундан фойдаланиш учун масъул шахс) ҳуқуқбузарлик бошқа шахс томонидан содир этилганлигини исботлай олмаса, ўзи жавобгарликка тортилиши ҳақидаги қондан ҳам киритишга тўғри келади.

Самир Латипов,
«Норма» МЧЖ эксперти.

ЎҚУВЧИ–ГАЗЕТА

Ҳар бир нашрнинг оммабонлигини ўқувчилар билан ўрнатилган алоқа: тахририятга ёзма (электрон) ва телефон орқали мурожаатларга қараб баҳолаш мумкин. «Норма маслаҳатчи»га нафақат бухгалтерия, божхона ва бошқа касбга доир саволлар, балки кундалик турмушда тўқнаш келинадиган муаммолар кўтарилган ҳатлар ҳам келиб туради.

Эътибор қаратинг

Чунончи, пойтахтимизнинг Чилонзор даҳасида яшовчи пенсионер Горбунова Ольга Александровна ҳовлидаги автотранспорт билан боғлиқ вазият юзасидан мурожаат қилган. Бунинг устига, олинган фотосуратни ҳам илова қилиб жўнатган.



«... Газетангизнинг сўнги вақтдаги янгиликлар ҳақидаги бўлимида нотўғри тўхтаб турганлик учун жазони қатъийлаштириш ҳақида сўз борган эди. Машиналарнинг ҳовлиларга қўйилишига ҳам эътибор берсалар, нур устига аъло нур бўлар эди. Машиналар эгалари автомобиль соҳиб бўлиш билан бирга хос ҳуқуққа эга бўлмасиз деб ўйласалар керак, улар қолган барча одамларни писанд қилмай, уловларини ўзлари учун яқин ва қулай жойга қўйиб кетаверадилар. Масалан, ўтиш йўлкасини тўсиб, тротуарга.

Бундай одамлар «хос ҳуқуқлари» ва бошқаларни назар-писанд қилмаслик қанчага тушишини ҳис этишлари учун уларни албатта қатта жарима билан жазолаш керак деб ўйлайман».

Иккисоний-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВНашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВАдабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВАСаҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВАТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўчаси, 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uzГазета нашри – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрилгани – 100. Қўзғалдирилган – А3. Ҳаққини – 2 бома таъсир. Басма авиациянинг нарқиди.
Буюртма 280. Адади 870. Газета 2018 йил 11 июнь соат 15:30 да топширилди.Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётақиб бериш ва хабар қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.